

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 16 » июль 20 19 у.

№ 593

Toshkent sh.

**“Навоий КМК” давлат корхонасининг соҳага оид бўлмаган,
ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилмаган активларидан
самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

“Навоий КМК” давлат корхонасининг соҳага оид бўлмаган, ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилмаган активларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини барқарорлаштириш ва янада мустақамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. “Навоий КМК” давлат корхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда “Навоий КМК” давлат корхонасининг активлари хатловдан ўтказилганлиги ва унинг натижалари бўйича “Навоий КМК” давлат корхонасининг соҳага оид бўлмаган, ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилмаган активлари рўйхати тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Навоий КМК” давлат корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва вилоятлар ҳокимликларининг “Навоий КМК” давлат корхонасининг соҳага оид бўлмаган активларини иловага* мувофиқ рўйхат бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга бепул бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. “Навоий КМК” давлат корхонаси икки ой муддатда ушбу қарорга иловада кўрсатилган соҳага оид бўлмаган активларни жорий ҳолатида топширишни, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар эса белгиланган тартибда - қабул қилинишини таъминласин ва улардан янада самарали фойдаланиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

4. “Навоий КМК” давлат корхонасига, истисно тариқасида, қайта ўзгартириш даврида физик емирилган ва маънан эскирган асосий воситаларни баланسدан чиқаришга ва бунинг натижасида ҳосил бўлган қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини белгиланган тартибда “Ўзметкомбинат” ва “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамиятларига топширишга руҳсат берилсин.

5. Белгилансинки, ушбу қарорга мувофиқ берилаётган ва қабул қилинаётган активларнинг қиймати солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш “Навоий КМК” давлат корхонаси бош директори Қ.С. Санақулов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

* Илова рус тилидаги матнда берилган.